

# ОНА ВАТАН ТАҚДИРИГА ҲАР БИРИМИЗ ДАХЛДОРМИЗ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан яғонадир,  
Ватан биттадир

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштарий!

# ЎСТИҚВОЛ ҲОҶИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol43@umail.uz

2023 йил 8 июл № 26-27(8468-8469)

Бизнинг суҳбат

Сайловчилар минбари



## ЯНГИЛАНАЁТГАН ҚЎШТЕПА

Қўштепа. Яқин-яқинларгача ҳам иқтисодий заиф, эли миришкор, меҳнаткаш бўла туриб, ўзини ўзи молиявий таъминлай олмай, бутун харажатларининг учдан икки қисми давлат зиммасида бўлган ёки дотация ҳисобидан яшайдиган ҳудуд сифатида тилга олинарди. Вилоят “юраги”га яқин бўла туриб, маъмурий маркази ҳали Марғилон, ҳали Тошлоқ, ҳали Ёзёвонга кўчирилган, бозори йўқ, саноат ишлаб чиқариши деярли бўлмаган туман аҳлининг турмуш даражаси ҳам ўзига яраша эди.

Бугун-чи? Яратганга беадад шукрларким, бугун Қўштепанинг кўксига ҳам офтоб теги. Айниқса, кейинги тўрт-беш йил ичида туман тараққиёт пиллапояларидан қадам-бақаддам дадиллик билан кўтарилиб, одамларнинг турмуш даражаси юксалаётгани ҳар бир маҳалла мисолида кўзга яққол ташланмоқда. Бунинг боиси нимада?

Туман ҳокими Илёсбек **НОВИКОВ** билан қилган суҳбатимизда Янгиланаётган Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини кўтариш, ҳар бир оила, фуқаро муносиб турмуш кечирishi, ҳаётдан рози бўлиши учун амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари туманимиз мисолида таҳлил қилинди.

—Илёсбек, кун-кеча бир машварада Қўштепанинг ўзини ўзи молиявий таъминлаш даражаси 92 фоизга чиққанини, яқин келажакда у донор, яъни бошқа ҳудудларга ҳам молиявий нафи тегадиган туманлар қаторига киришини тилга олдингиз. Тўғриси, бу хушxabар ўзини англаган ҳар бир қўштепаликни мамнун этади. Ахир бундай кунларни катта авлод вакиллари бир умр кутиб ўтди-ку! Яшаб турган ҳудуди иқтисодий бақувват бўлишини ким ҳам истамайди.

—Гапингизга қўшиламан. Қўштепанинг тарихига назар ташласангиз, бу юрт чиндан-да фидойилар юрти

эканлигига амин бўласиз. Ўша сурунли йилларда Қўштепадан 14 нафар Меҳнат Қаҳрамони, бир нафар собиқ иттифоқнинг Давлат мукофоти совриндори, деҳқончиликнинг юзлаб, минглаб миришкорлари, таълим, тиббиёт фидойилари етишиб чиққанлигини биламиз. Аммо ҳудуднинг республика, вилоят бюджетига иқтисодий қарамлик даражаси ҳамisha ҳам юқориликча қолди. Боиси, туманда саноат ишлаб чиқариши деярли бўлмаган. Маиший, сервис хизматлари жуда сустривожланди.

Ёшим саксонни қоралаб борапти. Таълим тизимида фаолият кўрсатдим, кейинчалик тадбиркорлик билан шуғулландим. Бошимиздан иссиқ-совуқ кунлар кўп ўтган. Уруш асоратларини бартараф этиш, пахта яккаҳо-кимлигининг азоблари, мустақиллик остонасидаги қийинчиликлар, ҳурлигимизга тажовуз қилганлар билан кечган таҳликали кунлар... Уларни эслашнинг ўзи қийин.

Аллоҳга шукрларки, дорилмон кунларга етказди. Биз, кекса авлод вакиллари бугуннинг қадрини юракдан ҳис қила оламиз. Мустақилмиз, тадбиркорлик, деҳқончилик, таълим, соғлиқни сақлаш, маҳалла тизимида олиб борилаётган ислохотлар самараларини биз, кекса авлод вакиллари жуда яхши биламиз ва қадрлаймиз.

Ўзбекистонимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни тобора мустақамланиб бораётгани бизни қувонтиради. Болалигимдан шах-

мат ишқибозиман. Вилоят, мамлакат миқёсидаги баҳсларда иштирок этганман. Бундан қарангки, яқинда, августнинг ўрталарида Дубайда шахмат бўйича халқаро очиқ турнир бўларкан. Шунга иштирок этишни ният қилиб турибман, Аллоҳ насиб этса. Илгарилари бизда бундай имконият бормиди?! Тинчлик-хотиржамликки-на бизга шундай рағбатни беради-да.

Якшанба кун оиламиз аъзолари билан биринчилардан бўлиб сайлов участкасига чиқиб, шахсан мен тинчлик ва хотиржамлик учун ўз танлаган номзодим учун овоз беришга чоғланиб турибман. Уйлайманки, ёши улуг барча сайловчилар шундай қилдилар. Тинчлик бўлсагина тараққиёт бўлади, одамлар ҳаётдан рози яшайдилар.

**Ҳайдарали МУСАЕВ,**  
меҳнат фахрийси, “Сойбўйи”  
маҳалла фуқаролар йиғини.

## ТАНЛОВДА МЕНИНГ ҲАМ ОВОЗИМ БОР!

Биринчи марта президентлик сайловида иштирок этишим. Ҳаяжонданман, ахир менинг овозим ҳам бутун халқ тақдирига тегишли. Муносиблар ичидан муносибини танлаш менга ҳам шу азиз Ватан олдида жавобгарлик ҳиссини юклайди. Партиялардан кўрсатилган ҳар қайси номзодга овоз берса арзийди. Уларнинг илгари сураётган ташаббуслари ва ғоялари олижаноб. Янгиланган Конституцияга муносиб равишда муддатидан олдин ўтаётган сайлов натижаси Ўзбекистон тараққиётининг янги саҳифасини очишига ишонаман.

Баъзан тенгдошларимиз орасида ҳам сайловда иштирок этиш шартмикин, деган мужмал саволга дуч келяпмиз. Орамизда бундай одамлар жуда кам ва уларни ҳеч иккиланмай бефарқ ва лоқайдлар, деб аташ мумкин. Ахир қандай қилиб эл-юрт тақдирини учун ўзи энг муносиб кўрган номзодга овоз беришга чиқмаслик мумкин?!

Авалло, ҳар бир ислохот, янгиланишлар халқнинг эртасини ўйлаб амалга оширилади. Муддатидан аввал ўтказилаётган сайлов ҳам шундай. Бугун қай бир маҳалла, хонадонга кирманг, кўзларда порлаётган шукроналикни қура-



ман ва шукр қиламан. Худди шу порлоқ нурнинг сўнмаслиги учун ҳам овоз бераман.

Янги Ўзбекистонга янгича ислохотлар керак. Ҳар бир номзод дастурида бу ислохотлар ҳақида сўз боради. Танлов эса сайловчининг ихтиёрида. Юртимиз олдидаги муҳим кун бўлган сайлов натижалари тараққиётимизнинг етти йилликдаги сарбонини танлаб беради. Шундай экан, азиз тенгдошлар, сайловда фаол иштирок этиб, энг муносиб йўлбошчини танлаб олайлик!

**Шохсанам ОМОНОВА,**  
Ўзбекистон Миллий уни-  
верситети талабаси. “Лангар”  
маҳалла фуқаролар йиғини.



Узоқ йиллар ҳудуднинг тўқинлик даражасини белгиловчи бозори бўлмади. Ҳатто бундан тўрт-беш йил илгари ҳам туман ўз харажатларининг ярмини ҳам қоплай олмасди.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари, энг катта бойлик ҳисобланган меҳнаткаш эли керак бўлса, тош устида гул ундиришга қодирлиги вилоят, мамлакат раҳбарлари олдига қўйилди. Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари Фарғонага ҳар гал ташрифларида, албатта Қўштепага келиб, зарур тавсия ва йўл-йўриқларини бердилар. Шундай қилиб, туманга тараққиётнинг бош драйвери ҳисобланган саноат ишлаб чиқаришининг кичик тармоқларидан тортиб гигант корхоналаригача кириб келди. Нафақат саноат ишлаб чиқариши, балки узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ кейинги олти йилдан кўпроқ вақт ичида ўсиш суръатлари қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳалар, қўйинги, барча жабҳаларда бир неча баробар юксалгани кузатилмоқда.

–Мана шу ўсиш суръатларини таққослама рақамларда келтириб ўтсангиз яхши бўларди. Гарчи, кейинги йиллардаги иқтисодий ўсиш одамларнинг турмуш тарзида, ижтимоий соҳалар ривожидан акс этиб турган бўлса-да, бу ҳақда рақамлар тили билан тинглаш ишончли ва мароқли бўлур эди.

–Албатта. Қаранг, 2016 йилга нисбатан туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 14,6 бараварга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 4 бараварга, хизмат кўрсатиш 6,7, қурилиш ишлари 6,4, инвестициялар ҳажми 16,8 бараварга ортди. Бу рақамлар ортида олиб борилаётган ислохотлар асосида қилинаётган қанча меҳнат, машаққат, интилиш ётганини айтиб ўтиришининг ҳожати бўлмаса керак.

Бевосита Юртбошимизнинг ташаббуси билан туманимизда барпо этилган пахта-тўқимачилик кластерининг улкан корхоналари, шунингдек, тадбиркорлик ҳаракатига қанот бахш этиб, тўртта ҳудудда ташкил этилган кичик саноат зоналаридаги ишлаб чиқаришлар, бошқа тадбиркорлик объектлар ҳисобига 2016 йилдан буён туманда 41 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Бу, шунча хонадонга барака кирди, деганидир. Яқка тартибдаги тадбиркорлар сони 2017 йил бошига 385 нафарни ташкил этган бўлса, ўтган олти йилда 1395 нафарга етди ёки улар сафи уч ярим баравардан кўпроққа ортди. Хонадонда туриб ўз қобилиятини ривожлантириб, оиласига даромад келтириш учун яратиб берилган имкониятлар, “уста-шогирд” аъёналари тиклаб борилаётгани туфайли ҳар бир маҳаллада хунармандлар сулолалари кўпайиб бораётир. Фақатгина оилавий тадбиркорлик доирасида аҳоли ташаббусларини имтиёзли кредитлар билан қўллаб-қувватлаш орқали етти мингдан ортиқ фуқаро иш билан таъминланди.

Бугун деҳқоннинг кўксига офтоб тегди, десак ҳақни айтган бўламиз. Кластер тизими жорий қилинган шарофатидан соҳада ўтган олти

йилда биргина туманимизнинг ўзида 40,1 миллиард сўмлик ирригация-мелиорация объектлари қурилгани ва реконструкция қилинган, 1387 гектар ерлар экин майдонига қайтарилгани, 74,5 миллиард сўмлик 40 та лойиҳалар ишга туширилгани кутилган самарани берди. Қисқа даврда ҳосилдорлик ғаллачиликда **75,2 центнерга**, сабзавотчиликда **230 центнерга**, картошкачиликда **270 центнерга**, мева етиштиришда **110 центнерга** етказилиб, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 535 миллион **тоннани ташкил этмоқда**. Бу, олти йил аввалги кўрсаткичдан 1,6 баравар кўп дегандир. Ҳалладан гектаридан 90 центнердан зиёд ҳосил йиғиб олган фермерлар етишиб чиққанлигидан қувонмай бўладими?! Уларнинг таъбирлари билан айтганда, бу ҳали охириги марра эмас. Олийҳиммат фермерларимиз саховати билан ўтган чоршанба куни эҳтиёжманд

нинг жозибадорлик даражаси ортиб бораётганини кўрсатиб турибди. –**Иқтисодий барқарорлик ва ривожланиш самаралари ижтимоий соҳаларда, одамларнинг турмуш даражасида акс этади, албатта.**

–Худди шундай. Соҳа ривожига тўхталишдан аввал маҳаллий бюджетни шакллантириш борасидаги ислохотлар самараси ҳақида гапирмоқчиман. Фақатгина ўтган йилнинг якуни бўйича туманда маҳаллий бюджет тушумлари 91,2 миллиард **сўмга** етказилди. Президентимиз қабул қилган меъёрий ҳужжат асосида маҳаллий бюджет ихтиёрида қолдириладиган қўшимча маблағлар миқдори бултур 4,7 миллиард сўмни ташкил этди ва бу, 2016 йилга нисбатан 15,6 **бараварга** ортган. Шунингдек, туман маҳаллий бюджетидан шаклландиган қўшимча манбалар миқдори 10 **баравардан 16 бараваргача** ўсганлиги ижтимоий объектлар замонавий қи-



та хусусий муассасаларда аҳолига энг замонавий ускуналар ёрдамида хизмат кўрсатиляпти. Фақат ўтган йилда соҳага 71 миллиард 242 миллион сўм ажратилди. Бу, етти йил аввалгига нисбатан 3,5 баравар кўпдир. Мамлакатимизда таълим, тиббиёт муассасалари ходимларининг иш ҳақлари йилдан-йилга ошириб борилаётир.

Иқтисодий тараққиётнинг барқарорлиги, саноат ишлаб чиқариши ривожланаётгани, қишлоқ хўжалиги замонавий техника ва технологиялар кириб бораётгани, умуман, аҳолининг бугун кечагидан яхшироқ яшашга интиляётгани туманимиз инфратузилмаси мустаҳкамланиб боришига асос бўлмоқда. Бугун бирорта маҳалла йўқки, у ерда қурилиш, ободончилик ишлари амалга оширилмаётган бўлса. Қўштепа маркази йилдан-йилга шаклланиб, чирой очиб борапти. Ишлаб чиқариш, мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари, тиббиёт, маданият муассасалари, тантаналар саройлари, сервис хизмати кўрсатиш объектлари, обод маҳаллалар, уларга элтувчи текис, равон йўллар кўнглинги кўтаради. Айрим маҳаллаларимиздаги тунги ёриткичлар шаҳарларда ҳам йўқлигини одамларнинг ўзлари эътироф этишяпти. Йўл ва кўприк қурилишлариغا 2016 йилга нисбатан 14 баравар кўп маблағ сарфланди.

Электр таъминотини яхшилаш учун маҳаллий бюджетдан 25,5 миллиард сўм ажратилиб, 258,6 километр масофадаги тармоқлар, 75 та трансформатор пунктлари қурилди, 5130 та яроқсиз таянчлар янгисига алмаштирилди. Бюджетдан ажратилган 36,1 миллиард сўм эвазига 207,1 километр масофага ичимлик суви тортилди. Умуман, қурилган чора-тадбирлар натижасида тоза ичимлик суви таъминоти 76,6 фоизга етказилди. Бу ҳаракат давом эттирилмоқда. Сўнгги олти йилда аҳоли учун ҳар бири 280 хонадонли 12 та қўп қаватли уй-жой қурилди.

Қўрилаётган барча чора-тадбирлар, бунёдкорлик ишлари пировард натижаси юртнинг бирини икки қилаётган меҳнат аҳли, уларнинг оила аъзолари турмушини яхшилаш, ҳаётдан рози бўлиб яшати асносида тараққиётни янада тезлаштиришга қаратилгандир. Эришилган натижалар билан тўхтаб қолмаймиз, албатта. Эртага ўтажак сиёсий тўй, сайловчиларнинг муносиб танлови янгилаётган Ўзбекистоннинг ажралмас қисми бўлган туманимиз ҳаёти, тараққиётининг янги уфқларини очиб беради. Сайлаб олган сарбон бошчилигида Қўштепа ҳам тараққиётда, элни рози қилишда ҳаракатни давом эттираверади. Бу, албатта, ҳар бир фаолнинг, туман катта-кичик раҳбарининг давр руҳини ҳис этиб, янги фикрлар фаолият юритишига, халқимизнинг фидойилик билан қиладиган меҳнатига боғлиқдир.

–Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Қўштепага омад келгани рост бўлсин.

–Сизга ҳам раҳмат.

**Суҳбатни Ҳадичахон КАРИМОВА ёзиб олди.**

## ЯНГИЛАНАЁТГАН ҚЎШТЕПА

оилаларга салкам 120 тонна буғдой тарқатилди. Бу йил уйига буғдой кирмаган деҳқон қолмади ҳисоб. Фидойи меҳнат ортидан келадиган бундай тўқинликнинг шукронасини ҳар қанча қилсак, арзийди. Ҳақиқатан ҳам бу йил ғаллазорларимизга Аллоҳнинг назари ёғилди.

–Бундай ютуқлар бардавом бўлсин. Яқинда марказдан келган мутасаддилар тадбиркорлар ишлаб чиқараётган пойабзалларни кўриб, сифати, дизайнига тан берди. Ишлаб чиқарувчилар уларни экспорт қилаётганини айтишди. Бугун Қўштепада ишлаб чиқарилаётган ипак гиламлар, адрасу адраслар, трикотаж маҳсулотлари, энди пойабзаллар экспорти муваффақиятли кечмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари-ю кўпдан бери экспорт қилинади.

–Фикрингизни тушундим, туманининг экспорт салоҳияти ҳақида сўрамоқчисиз. Таҳлил қилиб кўриб, бу соҳадаги фаолиятдан ҳам ҳоким сифатида кўнглим таскин тоғди. 2017 йилда тумандаги олти экспортёрлар томонидан учта давлатга 708 минг долларлик товар ва хизматлар экспорт қилинган эди. Кейинги олти йилда экспортёрлар сони **беш бараварга** кўпайган.

Фақат ўтган йилнинг ўзида улар томонидан ўнга яқин давлатга 45,5 миллион долларлик экспорт амалга оширилиб, кўрсаткич олти йил аввалгига нисбатан 64,2 бараварга ошди. Бу йил экспорт ҳажмини 108,5 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Кўриб турганингиздай, марраларимиз жуда баланд ва бунга эришиш учун барча имкониятлар етарли. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш атиги тўрт йил ичида 9,3 бараварга кўпайгани туманимиз-

ёфага кириб бораётгани, маҳаллалар ободлиги, йўллар равонлиги ва ҳоказо бунёдкорликлар манбаидир.

Мамлакатимизда, жумладан, туманимизда таълимнинг пойдевори бўлган мактабгача таълимга жиддий эътибор қаратилмоқда. 2016 йил якунида туманимизда бор-йўғи 26 та мактабгача таълим ташкилоти бўлиб, уларга 3020 нафар бола жалб қилинган эди ёки боғча ёшидаги болаларнинг 26 фоизигина қамраб олинган. Бу, аксарият болажонлар мактабга ҳарф танимай келарди деганидир. Тизимида амалга оширилган самарали ислохотлар, тадбиркорларга берилган имкониятлар натижасида бу йил шундай муассасалар сони 164 тага етиб, қамров 84,2 фоизга кўтарилди. Яқин келажакда 11 мингдан ортиқ болаларни юз фоиз мактабгача таълимга қамраб олиш чоралари кўрилмоқда.

Бугун мактабларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарганини ҳамма кўриб турибди. Кейинги олти йилда 67,8 миллиард сўм эвазига 12 та янги мактаб бинолари қурилиб, 39 таси таъмирланиши натижасида муассасалар қуввати 3,5 минг нафар болага ортди. Энг чека қишлоқлардаги мактаблар ҳам замонавий қиёфа кашф этди. Бу, таълим сифатига ижобий таъсир ўтказмай қолмади. Туманимизда Президент агентлигининг мактаби ташкил этилгани ота-оналар, илмбилимга интилган ёшларнинг айна муддаоси бўлди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган тадбирлар натижасида бугунги кунда тиббиёт муассасалари сони 2016 йилга нисбатан 2,5 бараварга кўпайди. 23 та давлат ҳамда тизимдаги ислохотлар самарасида ташкил этилган 30



# УЙИНГГА БУҒДОЙ ТЎЛСИН, ЭЛИМ!

Ғаллачилик дунё миқёсида ҳам давлат сиёсатида стратегик аҳамиятга молик соҳадир. Пахта яккаҳокимлиги даврида бу соҳадаги қарамликни сақлаб туриш учун ҳам ғалла етиштиришга изн берилмаган. Истиқлол шарофатидангина соҳа мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, турмушимиз тўқинлигининг манбаига айланди. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришибгина қолмай, уни экспорт қиладиган давлатлар қаторига қўшилди. Ахир тупроғи зар, деҳқони заргар юртда шундай бўлиши табиий ҳол эди-да!

Мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигига эришишида ва йил сайин бу соҳадаги ютуқлар мустаҳкамлашиб бораётганида туманимиз деҳқон ва фермерларнинг муносиб ҳиссаси бор. Эл хирмони донга тўлган, давлат ва кластер билан тузилган шартномадаги ҳосилни зиёди билан жойига қўйиб, соҳа фидойиларининг уйлари буғдойга тўлган шу кунларда туман ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи **Элёрбек ҚОДИРОВ** соҳада қилган машаққатли меҳнат натижалари ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

—Ҳақиқатан ҳам бу йил туманимизда ғалладан юқори ҳосил етиштирилди: 165 та фермер хўжалигининг 8000 гектар ер майдонига экилган бошоқли дондан ҳар қачондагидан мўл—64 минг тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди керак эди. Кўзланган бу режа амалда анча зиёди билан ўринлатилди ёки гектар ҳисобига туман бўйича 80 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди! Бу, туманимиз ғаллачилигидаги энг юқори натижадир.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, яқин-яқинларгача бу ҳосилнинг ярми ҳам етиштирилмаганини ғаллакорларимизнинг ўзлари ҳам яхши биладилар.

Ҳосилнинг 10 минг 333 тоннаси давлат хариди учун, 2300 тоннаси



уруғликка сотилган бўлса, кластер эҳтиёжи учун 8600 тоннаси, вақтинча сақлашга 8267 тоннаси, фермерларнинг ўз ҳисобига 34 минг 500 тоннаси режалаштирилганди. Амалда туманда дон топшириш режаси салкам 110 фоизга етказиб адо этилди.

Айтиш жоиз, жуда тифиз ўримиғим палласи фермердан ҳам, ташкилотчилардан ҳам ўта хушёрлик ва омилкорлик билан иш юритишни тақозо этади. Ишни пайсалга солиш машаққат ва сарф-харажат билан етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин-да. Шунинг учун ҳам туман ҳокими раҳбарлигида штаб ташкил этилиб, 27 та терим отряди шакллантирилди. Унга малакали, мавсум масъулиятини юракдан ҳис этадиган раҳбар ва ходимлар бириктирилди. Ҳар бир отряд учун юқори унум билан ишлайдиган комбайн ва транспорт воситалари ажратилди. Отрядларнинг самарали ишлашлари учун зарур барча маиший шароитлар яратилишига жиддий эътибор берилди.

Ҳосил чўғидан кўнгиллар тўлиб, уйига буғдой кириб бормаган ғаллакор ёки эҳтиёжманд оила қолма-

ган бир пайтда ер билан тиллашиб, қиш-у ёзнинг чилласида фидокорона меҳнат қилган ғаллакорлар ҳақида ҳар қанча фахрлиниб сўзласак, арзийди. Авазбек Бўтаев, Шерзод Одилхўжаев, Аҳмадилло Умарқулов, Адҳамжон Умарқулов, Шерали Ботиров раҳбарлигидаги Ёқуб ота номли, Сарвар-Сардор номли, "Роввот замини", "Қоражийда-Роввот", "Отабек-Равшанов замини" каби фермер хўжаликлари миришкорлари ҳосилдорликни 90 центнердан ҳам ошириб юборгани таҳсинларга лойиқдир, албатта. Бу йилги шароитда фермерларнинг ярмидан кўпи ҳосилдорликда туман кўрсаткичидан юқори натижаларга эришдилар.

Ғалладан кўзлангидан зиёда ҳосил етиштиришга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бу, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида қадам-бақадам амалга оширилаётган ислохотлар ва юқорида айтганимдай, ғаллакорларимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир. Ерни ҳайдашдан тортиб, уруғни ўз вақтида экиш, парвариш учун минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материалларини дала бошига етказ-

зиб бериш, деҳқонларни моддий рағбатлантириш учун имтиёзли кредит билан таъминлаш, ҳосилни ҳашарот ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ барча юмушлар тизимли асосда йўлга қўйилгани фермерларни юқори марраларни эгаллашга руҳлантирмоқда.

Дони мўл элнинг ризқи бутун, қадди тик бўлади, деб бежиз айтмайдилар. Ғалла етиштириш салмоғини йил сайин кўпайтириб бориш мақсад-моҳияти жиҳатидан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Дастурхонларимиз тўқинлиги, фермер хўжаликларининг ривожланиши ва иқтисодий қуввати уларда меҳнат қилаётган деҳқонларнинг фаровон яшаши, қишлоқларимизнинг обод ва кўркамлиги ғаллачилик ривожига ҳам боғлиқдир. Қўштепалик деҳқонлар ғаллачилик, пахтачилик, пиллачилик, боғдорчиликдаги омилкорликлари билан мамлакатимизга донг таратишгани ҳақида кўп бора эшитамиз. Уйлаймизки, бу йилги пиллачилик ва ғаллачиликда эришилган натижалар соҳа ходимларини янада руҳлантиради. Барча фермерлар, кластер ва қишлоқ хўжалигига дахлдор мутахассислар Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдан ташқари сайлови ўтадиган йилда эришилган бу натижани янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этажакларини айтмоқдалар.

Халқимизда "Уйингга буғдой тўлсин!" деган олижаноб тилак бор. Бу тилак ортида нафақат тўқинлик, балки эл-у юртнинг қадди тиклиги, кўнгли тўқлиги, шу азиз Ватаннинг қудрати буюк бўлиши кўзланади. Бу йил чиндан-да эзгу тилак ижобат бўлди. Бу ижобатнинг ортида эса ғаллакорларнинг эзгу ният, она заминга садоқат билан қилган меҳнати, фидойилиги ётади, албатта. Эл-юрт фаровонлиги йўлидаги меҳнатингиз учун тасанно, миришкор ғаллакорлар!

**Ўз мухбиримиз.**

## Етакчи минбари

Ёшларга катта куч, келажак эгалари деб қаралувчи мустақил мамлакатимизда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи охириги йилларда янада долзарб аҳамият касб этаётди. Зеро, катта эътибор ва маблағ жалб этилаётган ёшлар билан ишлаш тизимидаги самарадорлик давлатимизнинг истиқболлини белгиловчи муҳим омилдир.

Ҳозирда туманимизда 59318 нафар ёш истикомат қилади. Уларнинг барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда келажак сари дадил қадам ташлашлари учун аввало кўмакка муҳтож қатламни аниқлаб олинди. Жорий йил март ойи давомида республика ишчи гуруҳи билан биргаликда ўтказилган хатлов натижаларига кўра, қизил тоифага киритилган ёшлар сони 2326 нафарни ташкил қилмоқда. Йил бошидан мазкур рўйхатга киритилганларнинг ташкилот ва муассасаларга тегишлилиги бўйича кўрсаткич 1674 нафардан иборатлиги аниқланганди.

Бу тоифадаги ёшлар билан ишлашда профилатик ҳисобда турганлар, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолганлар, нотинч оила фарзандлари, оилавий ажрим ёқасидаги ёш оилалар, сурункали касаллиги мавжудлар ва ҳоказо йўналишлар бўйича ажратиб олинган ёшларнинг муаммоларига ечим топиш учун изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Мисол тариқасида айтсак, амалий чора-тадбирлар натижасида 43 нафар даволаниш билан боғлиқ масалалар туман тиббиёт бирлашмаси томонидан қисқа вақт ичида бартараф этилди. 122 нафар йигит-қизларга ёшлар етакчиларининг ижобий тавсиясига асосан 20 турдаги имтиёзлар йўналтирилди. "Ёшлар жамғармаси" маблағлари ҳисобидан 1033 нафар ёшларга жами 2 миллиард

## ОРЗУ-УМИДЛАРГА ҚАНОТ БАҒИШЛАБ

66 миллион сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди. Ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида асбоб-ускуна ва меҳнат қуролилари ажратиш, олий ва профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтисодий кўмакка муҳтожларга шартнома маблағларини тўлаб бериш, ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқиш ҳамда сафарбарлик чақируви резерви шартнома тўлови, даволаниш харажатларини қоплаш сингари қатор масалаларни ўз ичига олган мазкур имтиёзлар ўғил-қизларнинг орзу-умидларига қанот бўлмоқда. Шунингдек, уларнинг бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаига эга бўлишларига кўмаклашиш мақсадида 515 нафар ёшларга ижара асосида 10 сотихдан жами 51.5 гектар ер майдонлари ажратиб берилди. Экин майдонларидан қандай фойдаланаётгани назоратга олинди.

Ёшлар билан ишлашнинг янги чора бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, улар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш каби устувор вазифаларни бажариш мақсадида энг сўнги тажриба ва имкониятлардан фойдаланиб келмоқдамиз. Бу ўқув йилида туманимиз ёшларининг 12 нафари муддатидан илгари чет элларнинг ну-

фузли таълим муассасалари талабаси бўлгани ҳам бу борада давлатимиз яратиб берган имконият самарасидир.

Маҳалладаги ёшлар ўртасида "Беш ташаббус олимпиадаси"ни ўтказиш ҳамда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкиллашга қаратилган спорт тадбирлари режа жадвали ишлаб чиқиқлиб, [beshtashabbus.uz](http://beshtashabbus.uz) электрон платформадан ўтказиш белгилаб олинган. Шунга кўра, туманимизда 34600 нафар ёшлар йўналишлар кесимида рўйхатдан ўтган бўлиб, бу ёшларнинг ярмини беш ташаббус қамраб олганини кўрсатади.

Сектор раҳбарлари томонидан ёшларнинг муаммо ва тақлифларини тизимли ҳал этиш мақсадида "Сектор ва ёшлар учрашувлари" мунтазам ўтказиб келинмоқда. Қабуллар давомида муаммолар ташкилот ва муассаса раҳбарлари томонидан тизимли ҳал этиб келинаётди. Масалан, жорий йилда жами 1383 нафар йигит-қиз "Ёшлар дафтари"га киритилган бўлиб, сектор раҳбарлари томонидан кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида уларнинг барчаси дафтардан чиқарилди.

Эътибор ва рағбатдан руҳланган ёшларимиз бугун юртимиздаги йирик сиёсий жараён—Президент сайловида фаол иштирок этишга бел бойлаганлар. Келажакимиз ворислари ҳар бир овоз ватан тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилишини яхши англаган ҳолда муҳим кунга тадорик кўрмоқдалар. Ишонамизки, уларнинг танлови янги Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболига хизмат қилади.

**Абдумажид УМАРҚУЛОВ,**  
Ёшлар ишлари агентлиги  
туман бўлими бошлиғи.

Кўпинча боболаримиз, момоларимиз дуога қўл очганларида «Илоё, бошингиз тўйдан чиқмасин», «Хонадонингиздан тўйлар аримасин» дея ният қилишади. Тўй ҳақиқатан ҳам инсон орзуларини ушлатувчи, жон-жигарлар, қариндош-уруғлар, маҳалладошлар, ёру-дўстлар, яқин-йироқларни дийдорлаштиргувчи энг улғуф қадриятларимиздан. Тўйхонага гўёки Аллоҳнинг нури ёғилиб тургандай туюлади. Фарзанд кўриб, уни улғайтириб муносиб жойдан ўйлаб, лойиғига узатиб, тўйини кўрсам, эл олдида дастурхон ёзсам, деган орзунини дилига тугмаган ота-она топилмаса керак. Ахир бундай кунларни соҳибу соҳибалар орзумандалик билан кутадилар-да. Йиллардан-йилларга, авлодлардан-авлодларга ўтиб, шаклан ва мазмунан ўзгариб бораётган тўйларимиз моҳиятан бир мақсадни кўзлайди: икки ёш қўша қариб, ўғил-қизли, бахтли бўлишсин!

Аммо... Мана шу «аммо»нинг остида не-не оилаларнинг армонлари яширин эканини зукко муштарий фаҳмлаб олгандир. Зеро, қурилайётган оилаларга нисбатан барбод бўлаётганлари бир неча йиллардан буён ўндан бир ҳиссага тўғри келаятгани, ҳозирда бундан-да кўпайгани, бунинг ортидан ҳали ота дийдорини кўрмаган ёки унинг, баъзан онанинг меҳр булоғидан сув ичишга ташна бўлган фарзандлар тирик етимлик гирдобига отилаётгани ғоятда ачинарли ҳолдирки, бунга бефарқ муносабатда бўлмоқ иймони бут одамнинг иши эмас, албатта. Ажримларни таҳлил этсангиз, сабаблари «эр-хотиннинг бир-бирини тушунмаслиги, феъли тўғри келмагани», «келиннинг уй юмушларини билмаслиги», «куёвнинг дангасалиги» ва ҳоказоларга бориб тақалади.

Кечагина дабдаба-ю асаса билан келин тушириб, қиз узатган, базм-у жамшидларда катта-ю кичикдан «қўша қаринлар» деган тилакларни эшитиб, кексалардан дуолар олган ёшлар орадан ҳеч қанча ўтмай ажрим йўлини тутганларини эшитиб қоласиз. Нега, нима учун? Катталар қаёққа қарашди? Айниқса, беш-ўн йил яшаб, икки-уч фарзандли бўлганида ажрашиб кетганларга нима дейсиз? Ҳаётга бу қадар енгил-елпи қарашнинг охир-оқибати қаёққа олиб боради? Ахир инсон дунёга устун бўлмайди-ку! Бир кун эмас, бир кун қаро кўзларнинг уволи тутиб қолмайди-ми?!

—Бой-бадавлат хонадоннинг қизи эдим,—дея аччиқ тақдирдан афсусланиб сўз бошлади ўттиз беш ёшлардаги кўхликкина жувон.—Собиқ хўжайиним билан бир-биримизни ёқтириб турмуш кўрдик. Онам «болам, тенг-тенги билан дейдилар. Улар оиламизга мос келмас



Турмуш чорраҳаларида: муаммо, мулоҳаза, тақлиф

## МУҚАДДАСЛИК ХИЁНАТНИ КЎТАРМАС

*Давлат ва жамият ҳимоясидаги қўрғонни ҳою ҳаваслар гирдобига отиб, фарзандлар уволига қолманг. Кейинги пушаймон асқотмайди*

экан, ночорроқ яшашаркан. У ерга ўрганиб кетишинга ақлим етмаяпти» деганларига кўнмай, «Ҳамма нарсамни қилиб берасизлар-у, керак бўлса, дадам уй қуриб берадилар-да» деб оёқ тираб туриб олдим. Каттагина тўйхонада маросимларни ўтказиб, мени куёвнинг уйига олиб келишганда кичик аммам: «вой шўрим, сен шундай жойнинг тенгимидинг, нарсаларинг уйига сифмай чангларда ётибди-ю, пешонанг қурсин», деганларида юрагимга муз кириб олди.

Турмуш ўртоғимни қанчалик яхши кўрмай, хонадонига кўника олмадим. Олти ой деганда ҳомилам билан отамнинг уйига кетиб қолдим. Туғруқхонага келган боламнинг отасига қайрилиб ҳам қарамабман...

Йиллар ўтиб, бадавлат оилага узатишди. Лекин эримда кўнглим йўқ. Ўн иккига кирган қизим ота-онам билан яшайди. Болагинамни ўн беш кунда бир кўраман, кўзлари бирам мунгли, отасини танимагани етмагандек, она-бола ҳам бир-биримизга муштоқмиз. Ўғай отанинг қошига уни олиб келолмайман. Афсусларим, энди ич-этимни кемиряпти. Эшитишимча, қизимнинг отаси янги уйлар қуриб, ўзини тиклаб олибди, икки ўғилли ҳам бўлибди. Бойликнинг қулига айланмасам,... —аёлнинг кўзларида ёш халқаланади.

Мана бу тақдир ундан-да аянчли:

—Қисматим кўпларга «мактаб» бўлиши учун бу ҳақда ёзай дейману қўлимдан келмайди,—дейди эрта кундан сочларига қиров кўнган йигит чуқур хўрсиниб.—Бир аёлни хўрлаганим, болаларнинг қадрига етмаганим учун Аллоҳ мени жазолаяпти. Уч марта уйланиб, ҳозирда сўққабошман. Кўз очиб кўрганим—Андижон томонлардан, узоқ қариндошимиз бўлмиш ўртамиёна оиланинг фаросатлигина

қизи эди. Серфарзанд оила бўлгани учун енгилгина бисот билан келди, биттагина шкафи бор эди, холос. Буни уйдагилар унинг юзига кўп солишди. Икки гапининг бирида «гадойнинг қизисан» деяверишди. Косибчилик билан шуғулланиб, рўзғоримизнинг камини тўлдириб, беш йил бирга яшаб, икки фарзандли бўлдик.

Бир куни хотиним синглим билан гап таллашиб қолишибди. Уйга келсам тўпалон-тўс бўлишяпти. Онам менга нима десалар дедилар. Кўчага чиқиб «оқи»дан роса тортдим. Уйга келиб хотинимни чунонам дўппослабманки, ўзим билмайман. Бунинг ичида «гадойвачча» деган сўз оғзимдан чиқибди. Орияти кучли хотиним икки боламни олиб кетиб қолганича уйга қайтмади.

Ортидан борганимда, бўлган ишларни айтиб, хўрланиб-хўрланиб йиғладим, аммо қайтмади. Охири унга ўчакишиб бир аёлга уйландим, уч йил яшадик, фарзанд кўрмадим. Унинг жавобини бериб, ҳеч қанча ўтмай онамнинг зўри билан учинчисини олдим, беш йил яшадик, фарзандларимиз турмади. Нима, бу, болаларимнинг юзига оёқ қўйганимнинг жазосимикин, деб ўйлаб, охири яна Андижонга бордим. Не қулоқ билан эштайки, собиқ хотинимни фарзанд кўрмаган, ўзидан 15 ёш катта одамга узатиб юборишганига тўрт йил бўлибди. Данғиллама уйларда, жуда тўқ яшашаётган эмиш. Болаларим ўша одамни «отам» деб билишаркан. Судга мурожаат қилсам, фарзандларимни ўзимга қайтариб беришармикин, деб адвокатдан сўраганим, шунча йил хабар олмаган бўлсангиз, онасига буюради, деди. Ҳеч ким мендай ноумид бўлмасин. Ёшим қирқдан ўтибдики, ҳамон турмуш чорраҳаларида саргардонман. Қисматимни ёзинг, токи бошқалар мен-

дай турмушнинг гирдобига тушиб, чиқолмай қолмасин.

Фаҳмлагандирсиз, ҳар икки тақдир ҳам келинлар бисотининг «қул»лари ортидан чилпарчин бўлибди. Аслида рўзғорнинг бутун бисотини келин томон кўтариши адолатданмикин? Самарқанд, Хоразм, Қорақалпоғистон томонларда ажримлар кам. Боиси нимада экан, деган ҳақли савол туғилади. Гап шундаки, у томонларда келин анча қимматга тушади. Тўй харажати-ю, келин саруполар, рўзғор учун зарур икир-кирларни тўласича куёв томон кўтаради. Бир сўз билан айтганда, келин қимматга тушади. Шундай бўлгач, «сен бўлмасанг, бошқаси» қабилида иш тўтолмайдилар. Келиннинг «яхшисини ошириб, ёмонини яшириб» олиб ўтиришга мажбурдилар. Шу аснода вақт ўтиб уни ўз измига солиб оладилар. Бу эса ажримлар, тирик етимлик муаммоларининг олдини олади, албатта.

—Сиз, водийликларда қиз арзон экан,—дейди воҳалик қадрдонимиз.—Қизингизга қўшиб бутун бисотини ҳам қилиб бераркансизлар. Ҳатто ўзининг уйига пардалар тиктириб оладиган қайноналар ҳам бор экан-а! Камига, куёвлар, қайноналарни ортиқча сийлаб юборар экансизлар. Куёв саруполар, қатор-қатор тоғораларда зиёфатлар, ҳайит-байрамлардаги йўқловларни айтмайсизми?! Эшитишимча, фарзандли бўлишганда, суюнчисига куёвга «кўки»дан, қайнонага тилла узук берадиганлар ҳам чиқиб, бу анъанага айланиб боряпти, дейишди. Ахир «юк» кўтариб, жонини ўлим билан ҳаёт ўртасидаги аро йўлга тикиб, аёл зурриётини дунёга келтирса-ю, сийлов куёвга бўлса. Бу, умуман мантиққа тўғри келмайди. Ахир қизни улғайтириб, баъзилар ҳатто ўқитиб бағридан узиб, иккинчи бир

оилага ҳам дастёр, ҳам зурриётини давом эттирувчи, ҳам оиласига бека қилиб беради-ку!..

Ўзингизга билинмай кетган урф-одатлардаги қусурлар четдаги одамга яққол кўринади. Шу маънода юқорида айтилган гаплар айни ҳақиқат! «Куёв томон ёш оилани уй билан таъминлайди-ку», дегувчилар ҳам чиқиб қолади. Хўп шундай бўлса, бир, икки, уч фарзанд билан ажраб кетаётган келинлар нима учун онаинисига қисинди бўлиб қолишяпти? Шу савол устида ўйлаб кўрдингизми? Боиси, уйда куёвнинг эгалик ҳуқуқи йўқ, тўғрироғи, хонадон бор мол-мулклар куёвнинг отаси ёки онасига тегишли бўлиб чиқади.

Гапнинг даромади оилаларни мустаҳкамлаш, тирик етимликнинг олдини олишга бориб тақалар экан, келинлар, янгидан бунёд бўлаётган оилаларнинг моддий асосини яратишдаги адолатсизликка барҳам беришнинг энг мақбул йўли ҳақида бош қотириб кўрайлик. Майли, бизда бирданига Самарқанд томонлардагидек бутун «юк»ни куёв томонга қўйиб бўлмас. Ҳар ҳолда, тарозининг посангисини ушлаб турадиган йўлни танлаш мақбулроқ бўлар.

Кези келганда яна бир гап: вилоят хотин-қизлар кўмитаси тавсиясига кўра, тўй харажатлари ва ёш оила эҳтиёжи меъёрлари ишлаб чиқилиб, эълон қилинган, маъқулланса, ҳар бир маҳаллада маромлар белгилаб олиниб, улар тўй ва маросим комиссиялари томонидан назоратга олиниши тақлиф этилган эди. Аммо меъёрлар юзасидан қуруқ гаплар бору амалий ҳаракатлар бўлмади. Тўйлар эса ҳамон дабдабали ўтиб, ажримлар камаймаяпти.

Президентимиз оила ва оилавий муносабатлар, ёшлар тарбияси, муқаддас қўрғонларни мустаҳкамлаш масаласига ҳамisha давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қараш зарурлигини уқтирадилар. Ҳар бир оилани Ватан ичра кичик бир ватандир, деб бежиз айтмаймиз. Оилага, муқаддас қўрғонга хиёнат Ватанга хиёнатдек гапдир.

Ажрим йўлини тутаётган замондошим, тўхтанг, муқаддас қўрғонингизни, фарзандингиз тақдирини кимгадир ўчакишиб, турмушнинг майдақашликлари, бу ўткинчи дунёнинг хою ҳаваслари гирдобига отманг. Кейин пушаймон бўлмаслик учун жаҳолатингизни маърифат ришталари билан жиловланг. Ахир Сиз Аллоҳнинг онгли мавжудотисиз!

Сиз бунга нима дейсиз, азиз муштарий? Мулоҳазаларингизни кутамиз.

**Ҳадичахон КАРИМОВА,**  
журналист,  
вилоят «Оқида аёллар»  
ҳаракати аъзоси.

Маънавият

# КИТОБ — МЎЪЖИЗА!

Унинг сеҳрли олами сизга мунтазир



Китоб – мозий даракчиси, бугуннинг тарбиячиси ва муаллими, келажакнинг йўлбошчиси. У онг ва қалб эҳтиёжини қондирувчи омил сифатида инсон руҳини тарбиялайди, шахсни шакллантиради. Зеро одамдан мутолаа пайтида нафақат кўз ва ақл, шунингдек, кўнгил ҳам бирдек иштирок этиши талаб этилади. Китоб ўқишдан мақсад ақл-тафаккур билан уни мантиқий муҳокама этишгина эмас, балки чин юракдан завқланиш, таъсирланиш, ўзликини, ҳақиқатни излаб топиш ҳамдир.

Дунё яралибдики, инсон зотининг энг пешқадам вакиллари ушбу маънавий хазинадан баҳра олиб қолишга эришганлар. Оламда неки аллома, донишманд, авлиёлар, файласуфлар етишиб чиққан бўлса, уларнинг барчаси китоблар туфайлидир. Шу боис азал-азалдан маърифат пешволари, аҳли донишлар бутун инсониятни китоб ўқишга, ундан илму одоб сирларини ўрганишга чорлаб келишган. Тарих гувоҳлик беришича, Абу Али ибн Сино оғир бетоб бўлган Бухоро ҳукмдори Нух ибн Мансурни даволагач, эвазига олтин кумушлар тўла сандиқни эмас, балки сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишни афзал кўрган. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари ёзганидек: "Китоб-беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи"дир.



Одамзоднинг ўтмишида бундай мисоллар талайгина, бизнинг давримизда ҳам китобнинг умуминсоний аҳамияти юксакдир. Япон мактабларидан бирида жаҳон тарихидаги энг буюк кашфиёт нима, деган сўровнома ўтказилган экан. Унда иштирок этганлар ўзлари мўъжиза деб билган турли нарсаларни тилга олишган: олов, двигател, атом бомбаси, электротехника ва ҳоказолар. Бироқ қатнашчилар ичидан 6-синф ўқувчисининг "Энг зўр кашфиёт – китоб", деб билдирган жавоби ҳайъат аъзоларига фоят маъқул тушган экан. Нима сабабдан айнан китоб, деган саволга у: "Қолганларнинг фикрлари ҳам тўғри, лекин

китоб бўлмаса, уларнинг бирортаси ҳам ихтиро қилинмасди-ку", деб жавоб берган. Буни қарангки, кўпчиликнинг ҳаёлига ҳам келмаган ушбу жавоб чинакам ҳақиқат эканлиги ҳали-ҳамон ўз исботини топиб келяпти. Китоб ҳақиқатдан ҳам мўъжиза!

Биз, туман ахборот-кутубхона маркази ходимлари ана шундай умрбоқий, инсон тафаккурига қувват берувчи мўъжизага хизмат қилаётганимиз билан фахрланамиз. Китобхонларимизга фақат китоб бериш билан чекланмасдан, доимий равишда турли мавзуларда тадбирлар ўтказиб боришга ҳаракат қиламиз. Айниқса, мактабгача таълим ёшидаги болалар билан турли хилдаги қизиқарли ўйинлар билан бирга "Эртакич-кутубхоначи", "Кутубхонага илк қадам" лойиҳалари асосида овозли ўқишлар, сахна кўринишлари, "Кутубхонага саёҳат", "Топинг-чи, мен қайси эртақдан?" номли ўйин-топишмоқ кечалари ўтказиб борамиз.

Эртақларни ўқиш ва тинглаш—болаларга завқ бағишловчи мароқли машғулот. Гўдаклик чоғидан ўзбек халқ эртақларидан сўзлаб бериш болаларда меҳнатсеварлик, самимийлик, меҳмондўстлик каби инсоний фазилатларни ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром каби тушунчаларни тарбиялайди. Бундан ташқари, буюк алломаларимиз Алишер Навоий, Форобий, Абдулла Авлоний, Ниёзий, Юсуф Хос Ҳожиб, Жалолоддин Румий каби мутафаккирларимиз билан таништирамиз ва уларнинг тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикрларини ўқирамиз.

Аҳоли ўртасида "Китобхон оила", "Китобхон она", "Бир ҳафтада бир китоб" номли лойиҳалар асосида тарғибот ишлари олиб борилаётгани ҳам аҳамиятлидир. "Меҳр кутубхонаси" лойиҳаси доирасида имконияти йўқ китобхонларга шахсан хизмат кўрсатилиб, уйларига элтиб берилаётгани, айниқса, кўпчиликка манзур бўлмоқда.

—Китоб ўқиш жону дилим, лекин оёғим оғриши сабабли кутубхонага боролмас эдим,—дейди "Шодлик" маҳалласининг Миробод кўчасида яшовчи, нафақадаги онахон Хожалхон ая Маҳрамбекова.—Уйга келтириб берилаётгани айни муддао бўлди. Кутубхоначиларга раҳмат!

Бу борада элга толмай хизмат қилаётган Манзураҳон Тошматова, Дилоромхон Қорабоева, Санобархон Исмоиловларнинг меҳнатидан китобсеварлар жудаям мамнун. Фарзандларимизнинг билимли, тарбияли, касб-хунарли ва албатта бахтли бўлишининг муҳим омили бу—китобга дўст бўлишдир. Шундай экан, болаларни, катталарни ҳам—барчани кутубхонамизга, китоблар дунёсига чорлаб қоламиз!

**Одинахон НАСРИДИНОВА,**  
**Маҳбубахон ҲОШИМОВА,**  
туман ахборот-кутубхона маркази  
ахборот-библиография бўлими  
хизмати ходимлари.

ЯҲОН АЙВОНИДА

## Япония икки миллион кишини эвакуацияга тайёрламоқда

Тўхтовсиз ёмғир ёғиши оқибатида Япония жанубидаги Кюсю вилояти ҳукумати бир неча ҳудуд эвакуация қилинишидан огоҳлантирди. "NHK" телеканали маълум қилишича, Кумамото, Фукуока, Оита, Миязаки, Сага ва Ямагути музофотларида кўчки хавфи ниҳоятда юқори.

Аввалроқ "AFP" агентлиги эҳтимолий кўчирилишдан огоҳлантириш мамлакат ғарбидаги икки миллионга яқин одамга таъсир қилганини ёзган. Хусусан, Фукуока жануби-ғарбидаги Курумэ шаҳрининг 115 минг ва Кумамото шаҳрининг 360 минг аҳолиси эвакуацияга тайёргарликни бошлаб юборган.

Ноқулай об-ҳаво туфайли қатор ҳудудларда инфратузилма шикастланган. Кун чиқар юрт ғарбидаги Ямагути вилоятида кучли ёмғир пайти темир йўл алоқаси узилган. Минэ шаҳрида эса дарё устидан ўтувчи темир йўл кўприги қулаб тушган.

Япония жанубий-ғарбида ҳар йили ёзда кучли ёмғир ёғади, дарёлар тошади, кенг ҳудудларни сув босади. Кўчкилар одамлар қурбон бўлишига олиб келади.

Интернет хабарларидан.

Мутахассис оғоҳлантиради

## ГИЁҲВАНДЛИК ЎЗ ЖОНИГА ҚАСДДЕК ГАП

Ҳаммамиз ҳам деярли ҳар куни аввало соғлиқ ҳақида ўйлашга, бир-биримизга ғамхурлик қилишга ўрганоғимиз зарур. Дарҳақиқат, инсон хотир-жамлигининг ўндан тўққизи саломатлик билан боғлиқ. Донолар "Саломатлик—туман бойлик" дея бежиз айтмаганлар.

Ёр кулрасининг қатор мамлакатларида инсон саломатлиги, руҳиятига қаттиқ зарба берувчи гиёҳвандлик ва токсикомания балоси бугунги кунда ўта жиддий муаммолигича қолмоқда. Тадқиқотларга кўра, наркотик моддалар таъсирига тушушида энг хавфли босқич 12 ёшдан 19 ёшгача бўлган давр ҳисобланади. Наркомания дегани грекча сўз бўлиб, "нарко—караҳтлик, сезгининг йўқолиши, "мания" телбалик, бангилик, наркотик моддаларни доимий ва кўп миқдорда қабул қилишга мойиллик кузатиладиган касалликдир.

Наша, героин, каханагашиш, марихуана ва ҳоказоларга ўрганиб қолиш, уларни истеъмол қилмасдан туролмаслик, ҳумор тутадиган даражага етиши ижтимоий хавфли руҳий касаллик бўлиб, инсоннинг асаб тизимига жиддий шикаст етказиб, организмда чуқур салбий ўзгаришларга сабаб бўлади. Касаллик секин-аста ривожланиб, сурункали давом этади.

Наркотикка ўрганиб қолиш икки ҳолатда кузатилади: биринчиси, ўз хоҳишидан ташқари эътиборсизлик натижасида гиёҳванд модда истеъмол қилган ҳолда мойиллик ва ҳумор ҳолати пайдо бўла бошлайди. Бу ҳолат кўпинча врач буюрган, таркибида наркотик моддалари бор дори воситаларини нотўғри истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Иккинчи ҳолат онгли ра-

вишда наркотик моддаларга ўрганиб қолиш билан боғлиқдир. Бу ҳолатга руҳан заиф, иродасиз, ўта худбин кишилар тушиб қолади. Бундай кишилар ўз мойиллигига қарши чиқолмайдилар.

Одатда наркотик моддалар турли аъзоларни шикастлаб, ҳаёт учун муҳим функционал тизимларни издан чиқаради. Гиёҳвандларнинг деярли ҳаммаси юрак хасталигига чалиниб, ўпка етишмаслигидан азият чекадилар. Бундай моддаларни сурункали истеъмол қилганда, уйқусизлик, қувватсизлик, иштаха йўқолиши, хотира сусайиши, мушакларда оғриқ, хуллас одамнинг барча аъзолари ўз иш фаолиятини тугатгандай туйилаверади. Гиёҳванд кишиларда ОИТС, вирусли гепатит, сил, таносил, цирроз ва бошқа қатор ўнлаб хавфли касалликлар илдиз отиши жуда осон. Охир оқибат бу зарарли одат мажруҳликка, бевақт ўлимга олиб келади. Гиёҳванд инсонлардан ақлий заиф фарзандлар туғилиши исботланган ҳақиқатдир.

Бутун дунёда 26 июн гиёҳвандликка қарши кураш куни деб эълон қилинган бежиз эмас. Бу кунда барча мамлакатларда гиёҳвандликка қарши тарғибот ишлари олиб борилади, аҳоли унинг ўта аянчли хавфи ҳақида огоҳлантирилади.

Азиз юртдошлар, билиб ёки билмай гиёҳвандликка қўйилган қадам ўз жонига қасд қилишга қўйилган қадамдир. Унинг охири ўзлигини унутиш, телбалик, бевақт ўлим эканини фарзандингизга ўсмирлигидан тушунтириб боришингиз даркор. Зеро, миллатимиз келажаги ёш, соғлом, маънавий жиҳатдан баркамол авлод қўлидадир.

**М.БҲУРИБОВ,**  
нарколог-шифокор.

**Расулulloх  
(с.а.в.)  
ҳадисларидан**



Биродаринг юзига табас-сум қилишинг, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришинг, залолат ерида кишини ҳидоятга бошлашинг, йўлдан тош ва тикан ҳамда суякларни бартараф қилишинг—буларнинг бари сен учун садақадир.

**Бухорий ривояти.**  
\*\*\*

Катталар билан ўтиринглар, уламолардан сўранглар ва ҳақим-до-нишмандлар ила аралашиб юринглар.

**Табароний ривояти.**  
\*\*\*

Ишни тадбир билан олиб бор. Агар унинг оқибатида яхшилик кўрсанг, унга кириш. Борди-ю, хато қилиб қўйишдан қўрқсанг, унда ўзингни тий.

**(Анас розияллоху анху)дан Абдураззоқ ривояти.**  
\*\*\*

Икки хулқ борки, Аллоҳ уларни яхши кўради. Яна икки хулқ борки, Аллоҳ уларни ёмон кўради. Яхши кўрадигани—ёмон хулқ ва бахиллик. Агар Аллоҳ бир бандага яхшиликни хоҳласа, (уни) одамлар ҳо-жати чиқарадиган қилиб қўяди.

**Ибн Амр ибн Ос (розиаллоху анху)дан Байҳақий ривояти.**  
\*\*\*

Инсон ўздан кейин қолдирадиган нарсаларнинг энг яхшилари учтадир. 1. Дуо қилиб турувчи солиҳ фарзанд. 2. Савоби етиб турадиган садақаи жория. 3. Ўздан кейин фойдаланиладиган илм.

**Абу Қатода ривояти.**  
\*\*\*

Инсонга берилган нарсаларнинг энг яхшиси чиройли хулқ, энг ёмони эса чиройли суратдаги ёмон қалбдир.

**Усома ибн Шарик ривояти.**

**"2002 ҳадис"дан.**

**"Мунир" нашриёти.**  
Тошкент—2022 йил.

# Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,  
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.  
Алишер НАВОИЙ.

**Аҳли дониш дейдиларки...**

## ВАТАН СЕВМАК ИЙМОНДАНДИР

Эл ғуссасини сингурмагинг мақсуд эт,  
Бу шева билан оқибатинг маҳмуд эт.  
**А. НАВОИЙ**

\*\*\*

Ҳақиқий соф виждонли киши ўздан—оилани, оиладан—ватанни, ватандан—инсониятни устун қўймоғи керак.

**Ж. ДАЛАМБЕР**

\*\*\*

Ватанпарварлик бизни маҳлиё қилиб қўймаслиги керак: ватанга муҳаббат кўр-кўрона эҳтирос эмас, балки доно ақл фаолиятидир.

**Н. М. КАРАМЗИН**

\*\*\*

Ватанпарварлик—номусли ва назокатли туйғудир... Муқаддас сўзларни эҳтиёт қил, ватанга муҳаббат хусусида дуч келган жойда оғиз кўпиртирма. Яхшиси—унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида индамайгина меҳнат қил.

**В. А. СУХОМЛИНСКИЙ**

\*\*\*

Соф виждонли кишида ватанпарварлик ўз ватани фойдасига меҳнат қилиш иштиёқидан бошқа нарса бўлмаслиги керак ва бу бошқа бирон нарсадан эмас, балки иложи борича кўп ва хўб эзгу ишлар қилиш истагидан келиб чиқади.

**Н. А. ДОБРОЛЮБОВ**

\*\*\*



Ватан манзиллари

Олимақом ватанпарварлик—ватан фаровонлиги йўлида бениҳоя жонбозликдир.

**Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ**

\*\*\*

Ким бўлишдан қатъий назар, унинг ватанпарварлиги сўзи билан эмас, иши билан исбот қилинади.

**В. Г. БЕЛИНСКИЙ**

\*\*\*

Ватанпарвар—ўз ватани камолоти йўлида, ўз халқига муҳаббати туйғулари эзгуликлари тугул, жонини ҳам аямайдиган инсондир, халқи ва ватани озодлиги, фаровонлиги учун ўзини қурбон қилувчи инсондир.

**М. ОХУНДОВ**

Ватан олдидаги бурч инсон учун муқаддасдир.

**В. А. СУХОМЛИНСКИЙ**

\*\*\*

Ўз ватанингни фарзанди бўл, қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқлигини теран ҳис қил, унга фарзандона муносабатда бўл, ундан нима олсанг, юз ҳисса ортиғи билан қайтар.

**К. Д. УШИНСКИЙ**

**"Тафаккур гулшани"дан.**  
Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.  
Тошкент—1989 йил.

**Дунёнинг мумтоз файласуфлари**

## ҲАЗРАТ СУЛАЙМОН

(Тахминан милоддан аввалги 960-935 йилларда ҳукмронлик қилган)



**Ҳаёти...**

Ҳазрат Довуднинг ўғли. Иудея ва Исроил давлатига ҳукмронлик қилган. Қуддус шаҳрида Яхва ибодатхонасини қурдирган. Замондошлари Сулаймоннинг донолигидан завқланишган. У ўзининг ўткир ақли ва ғайриодатий фикрлаш тарзи билан шуҳрат қозонган.

Ривоятларда айтилишича, Ҳазрат Сулаймоннинг: "Бу дунёдаги ҳамма нарса ўткинчи",—деган сўзлар ўйиб ёзилган узуги бўлган. Сулаймон ҳаётининг қайғули онларида узукдаги ана шу ҳикматли битикни ўқиб, таскин топган.

Бир куни унинг бошига шундай бахтсизлик тушадики, узукдаги

сўзлар дардига малҳам бўлолмайди. Сулаймон ғазаб билан узукни ечиб, отиб юборади ва думалаб бораётган узукнинг ички томонида ҳам аллақандай битик борлигига ногаҳон кўзи тушади. Ўрнидан туриб узукни қўлига олади-да, битикни ўқийди. Узукнинг ички томонида: "Бу ҳам ўтиб кетади",—деган ёзувлар бор эди. Сулаймон аччиқ кулимсираб, узукни бармоғига тақади ва умрининг охиригача уни ечмайди.

**...Ҳикмати**

Авлодлар келиб-кетаверадилар. Ер эса абадий қолаверади.

\*\*\*

Эртанги кун билан мақтанма, чунки у нималарни тақдим этишини билмайсан.

\*\*\*

Ақлли одам кулфатни олдиндан кўради ва ўзини панага олади. Тажрибасизлар эса олға юриб жазоланадилар.

**"Ҳақиқат манзаралари"дан.**  
**"Янги аср авлоди".**

**Билиб қўйган маъқул**

### МАЛИНА

Малина таркибида витаминлардан С, В1, В12, РР, шунингдек, фолат кислота ва бошқа органик кислоталар мавжуд.

Камқонлик, ошқозон-ичак йўли касалликлари ва буйрак хасталикларини даволашда малинанинг фойдаси катта.

Сархил малина меваларидан тановул қилиб туриш атеросклероз, анемия, гипертония ва қандли диабетда фойда беради. Неврастения ва неврозда тинчлантирувчи, ич кетишида буриштирувчи таъсир кўрсатади. Малина иштахани очувчи мева ҳисобланади.

Колитни даволашда тўрт ош қошиқ малина барглари устига икки стакан қайнаган сув қуйилади ва ярим соат дамланади. Сузиб, кунига тўрт маҳал, овқатланишдан олдин ярим стакандан ичилади.

Қуритилган малина меваларидан қуйидаги тартибда терлатадиган восита тайёрланади: икки ош қошиқ мева устига бир стакан қайнаган сув қуйилади ва 20 дақиқа дамланади. Сузиб, иссиқлигича ичиб турилади.

Ошқозон огриганда кунига уч маҳал ярим стакандан малина шарбати ичиш керак.

Шунингдек, малина қайнатмалари қон босимини пасайтиради, ўпка яллиғланганда балғамни кўчиради, овқат ҳазмини яхшилайди.

Малинани эзиб, тенг миқдорда шакар билан аралаштириб, оғзи ёпиладиган идишларга солиб, музлатгичда узок вақт сақласа бўлади, зарур вақтда иссиқ чойга уч-тўрт қошиқ солиб ичсангиз, шамоллашга қарши ажойиб дори ҳосил бўлади.

"Сихат-саломатлик" журналидан.

